

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

## ҲУКМ

2025 йил ноябрь ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Бўстон туман суди, ўз биносида, очиқ мажлисида, раислик қилувчи - туман судининг раиси А.Маматқулов, халқ маслахатчилари М.Рахмонов, Б.Азимовлардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси А.Абдурайимовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бўстон туман прокурорининг ёрдамчиси И.Абдуғофоров, судланувчи Ю.Жураев ва унинг ҳимоячиси - адвокат Д.Муминов, фуқаровий даъвогар С.Матиминовларнинг иштирокида, Жураев Юлдаш Сатвалдиевичга оид 1-1715-2501/157-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Жураев Юлдаш Сатвалдиевич (Jurayev Yuldash Satvaldiyevich), 1965 йил 19 апрелда Андижон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 2 нафар фарзанди бор, маълумоти ўрта-маҳсус, “Bog’ishamol charosi” хусусий корхонаси норасмий раҳбари, муқаддам жиноят ишлари бўйича Хўжаобод туман судининг 2025 йил 25 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 2-қисми “б,д” бандлари билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида, яъни 17.000.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима 2025 йил 30 июнь куни мажбурий ижро бюроси Андижон туман бўлими томонидан тамомланган, Андижон тумани, Жаҳонобод МФЙ, Мехмон-валий кўчаси, 101-уйда яшайди, иш бўйича гаров тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нуسخасини 2025 йил 22 сентябрда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбланган.

Суд хайъати, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳолисона баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ю.Жураев Андижон тумани, Жаҳонобод МФЙ ҳудудида жойлашган “Bog’ishamol charosi” оилавий корхонаси норасмий раҳбари сифатида фаолият юритиб келиб, газ тармоғига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги 319-сонли қарори 2-иловаси билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари”ни талабларини бузиб,



ҳисоблагич ўрнатилган жойдан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўллар билан табиий газ тармоғига уланиб, табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келиб, иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси амалий маркази Андижон вилояти бўлими комплекс суд иқтисодий экспертизасининг 2025 йил 17 мартдаги 29/25/432-сонли хулосасига кўра, жамият томонидан, газ таъминоти манфаатларига 122.271,72м<sup>3</sup> жуда кўп миқдодаги 317.906.472 сўмлик “Худудгаз Андижон” газ таъминоти АЖ Хўжабод туман газ бўлими манфаатига зарар келтирилганлиги аниқланган.

“Худудга Андижон” газ таъминоти филиалининг 2025 йил 10 ноябрдаги хулосасига кўра, жамият томонидан, газ таъминоти манфаатларига 107.368,32м<sup>3</sup> жуда кўп миқдодаги 279.157.632 сўмлик “Худудгаз Андижон” газ таъминоти АЖ Хўжабод туман газ бўлими манфаатига зарар келтирилгани аниқланган.

Судланувчи Ю.Жураев судда, айбига иқроп бўлмасдан, “Боғишамол чароси” хусусий корхонасининг иш юритувчиси бир ҳисобда норасмий раҳбари экани, умумий овқатланиш масканини асосан ўзи синглиси Ф.Рахимованинг раҳбарлигида бошқариб келишлиги, 2024 йил 13 ноябрь куни “Ўзэнергоинспекция” Андижон худудий бошқармаси мутахасислари, ИИБ ва департамент ходимлари ҳамда Хўжабод туман газ бўлими ходимлари ошхонада табиий газдан фойдаланиш бўйича назорат тадбирлари ўтказишгани, ошхонада табиий газдан фойдаланиш бўйича назорат тадбирлари ўтказилганда табиий газдан ҳисоблагичдан ташқари уланиб олиб фойдаланиб келаётганлиги аниқлангани, ҳолат бўйича ошхона уни иштирокида табиий газдан ноқонуний равишда ҳисоблагичсиз фойдаланиб келаётганлиги ҳақида далолатнома тузилгани, далолатномага 2 дона тандир, 3 та иситиш печи, 2 та иситиш қозони, 6 та (50л) миллий қозон, 7 та (20л) миллий қозон, 2 та (80л) миллий қозон, 2 та чой боки ва 2 та газ плитаси борлиги аниқланиб, далолатномага киритилгани, далолатномага асосан ҳисоб китоб қилинганида жами 24 соатга 122.271,72 м<sup>3</sup> сарф ҳисоблангани, даъво муддатини 67 кун ҳисоблангани ва 2600 сўмдан жами 317.906.472 сўм ҳисоблангани, ошхонада 2024 йил сентябрь ойида табиий газдан фойдаланиш бўйича текшириш ўтказилганида ошхона учун ўрнатилган электрон ҳисоблагич ўчириб кўрилган ва табиий газга уланган табиий газ жихозлар ёқиб кўрилганида электрон ҳисоблагич ўчик ҳолатда ҳам ёнгани, сўнг, ходимлар томонидан табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келаётганлик аниқланиб, ҳисоб китоб қилинганида 59.716.800 сўм зарар келтиргани аниқлангани ва мазкур ҳолат юзасидан жавобгарликка тортилгани, ошхонада 13.11.2024 йил куни ўтказилган табиий газдан ноқонуний фойдаланиш юзасидан текширишда, ошхонага шартнома бўйича уланган ва электрон ҳисоблагич ўрнатилган қонуний тармоқ табиий газдан узилгани, сўнг ноқонуний равишда уланган тармоқ қўшни хонадонидан уланганлиги аниқланиб, ошхона ёнидаги хонадондан шланг орқали тортилган тармоқни унинг ошхонасига ҳам ўтганлиги аниқлангани, шлангни 2023 йил декабрь ойи бошларида қўшни хонадонига табиий газ бериш учун



улагани, ўтказилган текшириш давомида газ тармоғига аниқлаб бўлмайдиган визуал яширин йўллар билан, яъни йўлнинг нариги бетидан ошхона томонга ташқи кўринишидан электр тармоғига ўхшаш бўлган резина шланг орқали газ тармоғи тортилиб, ундан ошхонага қўшни бўлган фуқаро Ғ.Қурбоновнинг яшаш хонадони орқали тармоқ тортилиб, ундан фойдаланиб келинганлиги мазкур ҳолат қонунчилик талабаларига зид деб топилиб далолатнома расмийлаштирилишига асос бўлгани, бироқ мазкур далолатномани расмийлаштиришда визуал яширин тармоқ у ёки жамиятнинг бошқа ходимлари томонидан тортилмагани, мазкур ҳолат инкор этиш учун асосли маълумотларга эга эмаслиги, шу сабабли ҳам бу кунга қадарли етказилган зарарни 3/2 қисмини тўлагани, мазкур тармоқ Ғ.Қурбоновнинг яшаш хонадонидан ўтган бўлсада, унинг жавобгарлик масаласи ҳал этилмасдан очиқлигича қолиб кетгани, айбловига қўйилган 317.906.472 сўм зарар етказганлиги юзасидан норози эканини, бунча миқдорда газ ишлатмаганини, суддан реал миқдорда газдан етказган зарар миқдори бўйича ҳукм чиқаришини сўради.

Фуқаровий даъвогар С.Матиминов судда, “Худудгаз Андижон” газ таъминоти филиали юристи вазифасида ишлаб келишини, Департаментнинг Хўжабод туман бўлими томонидан “Ўзэнергоинспекцияси” Андижон вилоят бошқармаси, “Худудгаз Андижон” газ таъминоти корхонаси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган рейд тадбирларида, “Bog'ishamol charosi” хусусий корхонаси раҳбари Ю.Жураев томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 майдаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш қоидалари” талабларини бузиб, корхонага қарашли Андижон тумани, Жаҳонобод МФЙ ҳудудида жойлашган ошхонада табиий газ тармоғига тижорат мақсадида ҳисоблагич ўрнатилган жойдан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўллар билан табиий газ тармоғига уланиб, фойдаланиб келаётгани, натижада табиий газдан жами 67 кун давомида ноқонуний фойдаланиб келиб, корхона манфаатларига 317.906.472 сўм зарар етказилгани аниқлангани, ушбу зарар суммасини судланувчи Ю.Жураевдан ундиришни сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Б.Йўлдашев суд мажлисида, “Ўзэнергоинспекция” Андижон вилоят бошқармаси бош мутахассиси вазифасида 2023 йил август ойидан буён ишлаб келишлиги, 2024 йил 7 сентябрь куни “Худудгаз Андижон” газ таъминоти филиали ходимлари, “Ўзэнергоинспекция” ходимлари ҳамда Хўжабод тумани ИИБ ходимлари ҳамкорликда туманда жойлашган истеъмолчиларни табиий газдан фойдаланиш ҳолатлари бўйича ўрганиш ўтказилиб, “Боғишамол чароси” хусусий корхонасига 07.09.2024 йил куни “Ўзэнергоинспекция” билан қўшма тадбирда истеъмолчи ҳисоблагич ўрнатилган жойдан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган йўллар билан табиий газ тармоғига уланиб фойдаланаётгани юзасидан далолатнома расмийлаштирилиб, мутахассис томонидан 59.716.800 сўмга ҳисоб-китоб қилингани, ҳолат юзасидан Хўжабод туман прокуратураси томонидан жамият мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилгани, 13.11.2024 йил кунги “Ўзэнергоинспекция” Андижон вилоят бошқармаси,



туман газ таъминоти корхонаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган кўшма тадбирда жамиятга қарашли ошхонада табиий газдан ноқонуний равишда ҳисоблагичдан ташқари фойдаланганлиги аниқланиб, мазкур ҳолат бўйича №000184 сонли далолатнома расмийлаштирилгани, далолатномада ошхонада мавжуд табиий газ тармоғига уланган газ анжомлари ҳисобга олингани ва шунга кўра ҳисоб-китоб қилингани, ҳисоб китобда даъво муддатини 07.09.2024 йил куни расмийлаштирилган далолатнома кунидан олингани, жамият мансабдор шахслари мазкур ҳисобланган 317.906.472 сўм зарар миқдоридан норози бўлиб қайта ҳисоб китоб қилишни сўраб мурожаат қилгани, мурожаатига асосан қайта ўрганилгани ва “Боғишамол чароси” хусусий корхонасига нисбатан ҳисобланган 317.906.472 сўм зарар миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 319-сонли Қарорининг 129,134-бандларидан келиб чиқиб, қоида бузарлик аниқланган кундаги фойдаланишда бўлган газ анжомларининг соатлик газ сарфидан ва № 000177-сонли 07.09.2024 йил кунига расмийлаштирилган далолатнома асос қилиниб даво муддати 67 кунга ҳисоб-китоб қилинганлиги сабабли 317.906.472 сўм зарар миқдори ўзгартиришсиз қолдирилгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ф.Муминов суд мажлисида гувоҳ Б.Йўлдашевни кўрсатувини тасдиқлаб, унга ўхшаш кўрсатув берди.

Гувоҳ Ғ.Қурбонов судда, яшаш хонадони “Боғишамол чароси” хусусий корхонаси, яъни умумий овқатланиш масканига ёнма-ён жойлашгани, кўп йиллардан буён яшаш хонадонининг олдида катта йўл А-373 бўйида жойлашганлиги сабабли кўчма дўкон қилиб, ўша ерда мева ва озиқ-овқат маҳсулотлари савдоси билан шуғилланиб келишлиги, 13.11.2024 йил куни ўтказилган назорат тадбирлари давомида газ таъминоти ва тумангаз таъминоати ходимлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари иштирокида ўтказилган назорат тадбирлари давомида қатнашгани, ўзининг яшаш хонадонига йўлнинг нариги томонидан резина шланг орқали ўзи улаб олгани сабаби ўтган сафарги тадбирдан сўнг уни газ тармоғидан узиб қўйишгани сабабли яширин йўл билан улаб олиб яшаш хонадонининг бир хонасида иситиш мақсадида улаб олгани, назорат тадбири давомида унга нисбатан далолатнома расмийлаштирилиб, маъмурий тартибда иш кўрилишлигини маълум қилгани, “Боғишамол чароси” хусусий корхонаси ва «Оромижон» хусусий корхонасига қарашли умумий овқатланиш масканларни қай тартибда газ тармоғига уланиб олганликларидан хабари бўлмагани, овқатланиш маскани раҳбарлари Йўлдаш ва Зафаржонларни таниса-да улар билан биргаликда бу ишларни қилмагани, мазкур ҳолатда, яъни газ тармоғидан тижорат мақсадида фойдаланмагани, уларни газ тармоғига улаб бермагани, уларда аниқланган қонун бузилиши ҳолатларидан хабари йўқлиги ҳақида кўрсатув берди.

Кўшимча гувоҳ У.Дадажонов судда, “Боғишамол чароси” хусусий корхонаси, яъни умумий овқатланиш масканида нон ёпиш билан шуғулланиши, ҳудудгаз назоратчилари келган вақтда тандирга кўмирдан фойдаланиб нон ёпаётган бўлгани, табиий газдан фойдаланмагани, ҳудудгаз ходимлари улардан сўраганида ҳам газдан фойдаланмаётганини айтгани,



худудгаз ходимлари тандир ичида турган гарелкани кўриб, нима мақсадда фойдаланишини сўрашганида, кўмирни ушлаб туриши учун мослаштирилганини айтгани ҳақида кўрсатув берди.

Кўшимча гувоҳ Ё.Жўрабоев судда, “Боғишамол чароси” хусусий корхонаси, яъни умумий овқатланиш масканида ошпаз вазифасида ишлашлиги, худудгаз назоратчилари келган вақтда пропан баллонда овқат тайёрлаётган бўлгани, ошхонада умуман табиий газдан фойдаланмагани, худудгаз ходимлари газни улаганини айтиб, газни ёқиб кўришганида, ҳақиқатда оз миқдорда газ ёнгани, лекин улар умуман табиий газдан фойдаланишмагани ҳақида кўрсатув берди.

Юқоридагилардан ташқари, судланувчи Ю.Жураевни жиноят содир этганликдаги айби, унинг дастлабки терговдаги кўрсатуви, ишдаги “Ўзэнергоинспекция” Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассислари томонидан тузилган “Маиший истеъмолчи томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилгани аниқлангани тўғрисида”ги далолатнома, тармоқдан ажратиш тўғрисидаги далолатнома, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадваллар, “Ўзэнергоинспекция” Андижон ҳудудий бошқармаси ва “Худудгаз Андижон” газ таъминоти филиали мутахассисларининг хулосаси, “Худудгаз Андижон” газ таъминоти филиали мутахассисларининг ҳисоб-китоб далолатномаси ва унга илова ҳужжатлар, “Ўзэнергоинспекция” Андижон ҳудудий бошқармаси мутахассисларининг ҳисобланган табиий газ хажми ҳақидаги хулосаси, комплекс суд-иқтисодий экспертизасининг хулосаси, кўшимча комплекс суд-иқтисодий экспертизасининг хулосаси ва унга илова ҳужжатлар, тўлов квитанцияси, суд мажлисида ўтказилган юзлаштиришлар, ашёвий ва ёзма далил деб эътироф этиш қарори, тушунтириш хатлар ҳамда жиноят ишидаги бошқа ишончли ва мақбул далиллар йиғиндиси билан ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 415-моддасида суд айбловни ўзгартиришга ҳақли экани, бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланиши, суд суриштирувда, дастлабки терговда эълон қилинган айбловни ушбу Кодекснинг 416 ва 417-моддаларида назарда тутилган тартибда ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли экани белгиланган.

Жиноят иши юзасидан моддий зарарнинг ҳажми ўзгариши жиноятнинг тавсифига таъсир қилмагани ёки судланувчиларнинг аҳволини оғирлаштирувчи тарафга айблов миқдорининг ҳажми ўзгармагани сабабли судланувчилар томонидан жиноят оқибатида етказилган моддий зарарлар миқдорига аниқлик киритиш ва ушбу суммага нисбатан айблов эълон қилиш лозим бўлади.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ю.Жураев Андижон тумани, Жаҳонобод МФЙ ҳудудида жойлашган “Bog’ishamol charosi” оилавий корхонаси норасмий раҳбари сифатида фаолият юритиб келиб, газ тармоғига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги 319-сонли қарори 2-илоvasи билан тасдиқланган “Табиий газдан фойдаланиш



қоидалари”ни талабларини бузиб, ҳисоблагич ўрнатилган жойдан ташқари визуал аниқлаб бўлмайдиган яширин йўллар билан табиий газ тармоғига уланиб, табиий газдан ноқонуний равишда фойдаланиб келиб, иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси амалий маркази Андижон вилояти бўлими комплекс суд иқтисодий экспертизасининг 2025 йил 17 мартдаги 29/25/432-сонли хулосасига кўра, жамият томонидан, газ таъминоти манфаатларига  $122.271,72\text{м}^3$  жуда кўп миқдодаги 317.906.472 сўмлик “Худудгаз Андижон” газ таъминоти АЖ Хўжаобод туман газ бўлими манфаатига зарар келтирилганликда айб эълон қилинган бўлса-да, судда қайта ҳисоб китоб қилиш учун чиқарилган ажримга асосан Ю.Жўраев томонидан “Худудга Андижон” газ таъминоти филиалининг 2025 йил 10 ноябрдаги хулосасига кўра, жамият томонидан, газ таъминоти манфаатларига  $107.368,32\text{м}^3$  жуда кўп миқдодаги 279.157.632 сўмлик “Худудгаз Андижон” газ таъминоти АЖ Хўжаобод туман газ бўлими манфаатига зарар келтирилганликда айблов эълон қилиш лозим бўлади.

Суд хайъати, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчини қилмишларини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Ю.Жўраевнинг умумий фойдаланишдаги газ тармоқларига тижорат мақсадларга ўзбошимчалик билан уланиш йўли билан жуда кўп миқдордаги табиий газни яширин равишда талон-торож қилганликда ифодаланган хатти-ҳаракатлари ЖК 169-моддаси

4-қисмининг “а” банди билан тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган, деб ҳисоблайди.

Гарчанд, судланувчи Ю.Жўраев суд мажлисида табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланган бўлса-да, бироқ мутахассислар томонидан Ғ.Қурбоновни ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмагани, у ўзи фойдаланган даврга нисбатан зарарни тўлагани, қолган зарарни Ғ.Қурбоновдан ундириш лозимлиги ҳақида кўрсатув берса-да, суд хайъати, унинг айби ва етказилган зарар миқдори “Ўзэнергоинспекция” Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассислари томонидан тузилган “Маиший истеъмолчи томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилгани аниқлангани тўғрисида”ги далолатнома, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомалари ва уларга илова қилинган фотожадваллар, “Ўзэнергоинспекция” Андижон ҳудудий бошқармаси ва “Худудгаз Андижон” газ таъминоти филиали мутахассисларининг хулосаси, “Худудгаз Андижон” газ таъминоти филиали мутахассисларининг ҳисоб-китоб далолатномаси ва унга илова ҳужжатлар, “Ўзэнергоинспекция” Андижон ҳудудий бошқармаси мутахассисларининг ҳисобланган табиий газ ҳажми ҳақидаги хулосаси, комплекс суд-иқтисодий экспертизасининг хулосаси, мутахассисларнинг суддаги кўрсатувлари ҳамда



жиноят ишида тўпланган бошқа ишончли ва мақбул далиллар билан тўлиқ ўз исботини топгани сабабли, унинг ушбу важларини рад қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳукуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбининг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олиши, Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли қарорининг 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида ЖКнинг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши; 3-бандида, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги; 37-бандида, ЖКнинг 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги, бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозимлиги, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки



боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.)лиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд ҳайъати, судланувчи Ю.Жураевга жазо тури ва миқдорини тайинлашда юқорида кўрсатилган Жиноят кодексининг нормалари ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарорлари тушунтиришларига амал қилиб, нафақахўрлигини, пушаймонлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, шунингдек, у томонидан фуқаровий даъвогарга етказилган зарарлар тўлиқ тўланиб, моддий зарар бартараф қилинганлиги, фуқаровий даъвогарнинг даъвоси йўқлигини содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, унга Ўзбекистон Республикаси

ЖК

169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни;

жиноят оқибатида етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, Ю.Жураев томонидан етказилган зарарни қоплаш учун “Ипотека банк” АТИБ Андижон филиалидаги Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 253.570.000 сўм, Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Андижон вилоят бошқармаси депозит ҳисоб рақамига топширилган 25.728.000 сўм жами 279.170.000 сўм пул маблағини “Худудгаз Андижон” газ таъминоти филиалининг банкдаги ҳисоб рақамига йўналтиришни;

жиноят оқибатида етказилган зарарлар тўла қоплангани сабабли Хўжаобод туман прокурорининг даъво аризаси муҳокамадан чиқаришни;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича ёзма далил деб эътироф этилган “Ўзэнергоинспекция” Андижон вилоят худудий бошқармаси мутахассислари томонидан тузилган “Маиший истеъмолчи томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилгани аниқлангани тўғрисида”ги далолатнома, қайта ҳисоб китоб қилиш далолатномаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, 2 дона ДВД дискни жиноят иши ҳужжатларида қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473 моддаларига амал қилиб, суд ҳайъати

### Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Жураев Юлдаш Сатвалдиевич (Jurayev Yuldash Satvaldiyevich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ю.Жураевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга ишлаш вақтидан, шунингдек иш жойигача бориши ва уй жойига қайтиб келиши учун зарур



бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқишни чеклашдан иборат озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ю.Жураевга озодликни чеклаш жазосини Андижон тумани, Жаҳонобод МФЙ, Мехмон-валий кўчаси, 101-уйда ўташ белгилансин, жазони ўташ даврида қуйидаги тақиқ (чеклаш)лар ва мажбуриятлар ўрнатилсин:

- Андижон туман ИИБнинг рухсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик, Андижон вилоят ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

Озодликни чеклаш жазосини ижроси Андижон туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосини ўташ муддати Ю.Жураев Андижон туман ИИБда ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ю.Жураевга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилиниб, гаровга қўйилган 9.975.000 сўм пуллар Ю.Жураевга қайтарилсин.

Ю.Жураев томонидан етказилган зарарни қоплаш учун “Ипотека банк” АТИБ Андижон филиалидаги Андижон вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 253.570.000 сўм, Судлар фаолиятини таъминлаш департаментининг Андижон вилоят бошқармаси депозит ҳисоб рақамига топширилган 25.600.000 сўм жами 279.170.000 сўм пул маблағини “Ҳудудгаз Андижон” газ таъминоти филиалининг банкдаги ҳисоб рақамига йўналтирилсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганлиги ва фуқаровий даъвогарнинг вакилини судланувчига нисбатан даъвоси йўқлиги сабабли Хўжабод туман прокурорининг даъво аризаси муҳокамадан чиқарилсин.

Ёзма далиллар, “Ўзэнергоинспекция” Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси мутахассислари томонидан тузилган “Маиший истеъмолчи томонидан табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилгани аниқлангани тўғрисида”ги далолатнома, қайта ҳисоб китоб қилиш далолатномаси, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, 2 дона ДВД диск жиноят иши ҳужжатларида қолдирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг Андижон вилояти судининг жиноят ишлари бўйича кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест келтириш ҳуқуқига эгадирлар.

**Раислик қилувчи**

**А.Маматқулов**

**Халқ маслаҳатчилари**

**М.Рамонов**

**Б.Азимов**



**Маъсул судья: Маматқулов Авазбек Хасанбоевич**



Ҳужжат имзоланган: Маматқулов Авазбек Хасанбоевич, 02.12.2025

